

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!

Газета 1966 йил 1 июлдан № 262 (7. 351) 1990 йил 17 ноябрь, шанба Баҳоса 3 тийин.


Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ИЛ—76 САМОЛЕТИ ЭКИПАЖИ АЪЗОЛАРИНИ «ШАХСИЙ МАРДЛИК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

- Мураккаб авария вазиятида мардлик, юксак касб маҳорати ва омилкорлик кўрсатганлиги учун куйидагилар **МУКОФОТЛАНДИ:**
- ШАХСИЙ МАРДЛИК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН** — **ОРДЕНИ БИЛАН**
- Александр Афанасьевич **ГОРДОВЕВ** — авиация техникчи.
- Александр Леонтьевич **ГРАЧКОВ** — экипаж штурмани.
- Валерий Серафимович **ГРЕСЬКО** — қўшма авиотряд командирининг ўринбосари.
- Александр Кириллович **КАСАТКИН** — кема командири.
- Виктор Михайлович **ЛЮТАРЕВИЧ** — борт радиоти.
- Мирмамол Акбарович **МИРҲАЙДАРОВ** борт оператори.
- Игорь Александрович **ПИРОГОВ** — авиация техникчи.
- Анатолий Зиновьевич **ФОМЕНКО** — иккинчи учувчи.
- Сергей Борисович **ЦУПРИКА** — катта борт оператори.
- Владимир Ильич **ЧЕРЕМНИХ** — борт инженер.
- Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти **М. ГОРБАЧЕВ**.
- Москва, Кремль. 1990 йил 15 ноябрь.



Сайёра Очилова Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филида 6 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. Бу ишлаб чиқариш илгори ўзинга топширилган



барча юмушларни аъло даражада бажариши билан ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш филиалининг тажрибали қувовчиси Александр Григаний кўриб турибди.

Т. Каримов суратлари.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси

Депутат Ш. Т. Нусратов нутқи

Хурматли депутат ўртоқлар! Тақдир этилган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси шубҳасиз сессияда батафсил фикр алмашиш учун яхши негиздир. Унда маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг ижроия органларининг ўз ҳудудларида иқтисодий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш учун кенг уфқ очиб берилиши ўзинга жалб этади.

Худудий ўзини ўзи бошқариш органлари жумҳурият аҳолиси иқтисодий фаоллиги ва имкониятларини оширишининг муҳим дастури бўлади.

Нихоят маҳаллий Кенгашларнинг ўз илтифоқига эришиб, уларнинг қўлига қўйиб берилган ҳақдорликларини ўзини ўзи бошқариш органларидаги мажбурий барча илгор нарсаларни ўзинга сингирган. Табиийки, бу ҳужжатда ҳали заиф ўрилган, баъзи жиҳатлар, ноаниқ таърифлар мажбурий. Лекин ҳалиёна шунинг таъкидлаш керакики, доимий комитетларнинг аъзолари, Президентини Кенгаши, Вазиirlар Кенгаши ҳодимлари ва бошқа ўртоқлар томонидан катта ва фойдали иш амалга оширилган.

Ушбу лойиҳани бугунги кун талабларини ҳисобга олиб, пухталаштириш ва илгори борича тейрак турмушга жорий этиш Олий Кенгашининг жумҳурият халқ депутатларининг вазифасидир.

Аниқ таърифларга ўтишга руҳсат бергайсиз. Менимча, «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқиш ва қабул қилишда унда ҳокимият тўғрисидаги масала қандай ҳал этилиши асосий муҳимияти, ҳал қилувчи бўлиши ташкил этади.

Биринчи вариант: «Бутун ҳокимият — кенгашларга!»

Иккинчи вариант: «Бутун ҳокимият — ижроияларга!» Такрорлайман, биз шунинг билганимиз ва аниқ тушунишимиз керакики, шаҳар район ва қўрғон даражасидаги кенгашларда биз-

нинг қонунларимиз йўқ. Бу эса ушбу даражада қонуни чиқарувчи ҳокимият йўқ деган маънони билдиради. Маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари улар қабул қилганидан кейин ҳали тўла маънодаги қонуни бўлмайди. Маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг ижроия комитетлари таърифада, реал турмушда амалда асосан ижроия, фармойиш бериш ва бошқарув вазифаларини бажариб келмоқда. Шунинг учун тақлиф этилаётган лойиҳада шаҳарлар, районлар, қўрғонлар ва қишлоқлар даражасида ижроия ҳокимияти оғирлиги, охириги тўғрисидаги масала мутлақо тўғри қўйилмоқда.

Агар охиригача руй-роқ гапирадиган бўлсак, бу Кенгашлар вақилларини ўриш ва аҳамиятини пайсаяншига олиб келади. Улар кинепларга айланган қолдиқлар (инглизчадан таржимада бу сўз нотий ёки гапиратган одам маъносини билдиради). Бу эса табиийки, қўрғон Кенгашларда иқтисодий-иқтисодий вазифаларни бажаришга олиб келади, бунга эса аниқсиз ҳокимият шароитида йўқ қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун мен маҳаллий ҳокимият органларининг профессионал вақилларини лавозимини бекор қилишни тақлиф этаман. Лекин шун билан бир Тошкент шаҳар ҳокимияти, шунингдек районлар ва бошқа шаҳарлар даражасида ҳоким лавозимини таъсис этишни ва унга жойлардаги ижроия ва фармойиш бериш ҳокимиятини бутун тўлалигича топширишни тақлиф этаман.

Бу ҳар бир лавозим ортда жонли кишилар: Кенгаш раиси ёки ижроия комитети раиси турганлигини тушунаман. Агар биз таъин тақлифини қўлаб-қувватлаётган ҳоким лавозимини аста-секин, кадрларини айри бошлаш табиий жараёнини ҳисобга олиб жорий этиш лозим.

Бу ишоний ва адолатли бўлади ва энг муҳими улардан ким қилиши керак, ким кетини кераклиги ҳусусида носоглом шов-шув бўлмоқда келмайди, бу эса жуда муҳимдир.

Ҳокимлик лавозимидан чиқариб олиш воситасини ҳам пухта йиғиш муҳимдир. Мен яна бир бор таъкидлайман, ҳокимият тўғрисидаги масала ҳал қилувчи, асосий ҳисобланади. Шун билан депутатлардан бу масалага катта эътибор билан қарашини сўрайдим.

Қонуни лойиҳасида аниқ жавоб берилмаган яна бир

муҳим муаммо бор. Бу виллоят, шаҳар ва район Кенгашлари вазифаларини фарқлаб қўйиш масаласидир. Яъни бу сўзининг бошида таъкидлаганимдек худди Ушбу ҳокимият, унинг вазифалари тўғрисидаги масалалар. Бу масала районларга бўлинган йирик шаҳарлар учун аниқсиз доллардор. Бунга Москва, Ленинград, бошқа шаҳарларда вужудга келмаётган вазият мисол бўлиши мумкин. У ерларда уларнинг ички, яхши созилашган алоқали бўлимас жонли организмни тақсимлашга интиляб, шаҳарни қисмларга ажратиб ташлашмоқда.

Ушбу, мен бу аҳволдан чиқишни ниямларда кўраяман? Район Кенгашларидан воз кечиб кетамиз? Агар шундай қилинса, район аҳолиси манфаатларини ким ҳимоя қилади? Ҳокимият сайлаш керакики? Ижроия органлари, ҳаракатларини назорат қилиш, район бюджетини тасдиқлаш, тақсимлаш ва назорат қилиш лозими? Бу масалаларнинг ҳаммасини шаҳарга бериш чамасиз нотўғри бўлади.

Қуйидаги тартибни белгилашни тақлиф этаман. Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш чоғида фақат Тошкент шаҳар Кенгаши ёки виллоят Кенгашлари халқ депутатларини сайлаш керак. Улар масалани, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларини этиб сайлашлар аниқ вақтда район Кенгашларининг аъзолари ҳам бўлиб қўлишида. Ушбу шаҳар Кенгашида қарорлар қабул қилиш чоғида улар ўз районларини манфаатларини ҳисобга олишга мажбур бўладилар. Ва аксинча, район Кенгашида у ёки бу масалаларни муҳокама қилар эканлар, алоқали умушшаҳар манфаатларидан келиб чиқадилар. Шундай қилиб, шаҳарнинг ҳам, районнинг ҳам манфаатини бирлаштиришга муваффақ бўлилади. Бу фақат Тошкент шаҳрида 1004 депутатни қисқарттириш имконини беради. Бу эса ҳодимларини уларнинг асосий вазифаларидан қалғитиш натижасида руй берадиган йўқотушларни камайтиради.

Келгусида эса шу тарихи сайлашган депутатларни депутатлик ваколатларини бажариш даврида хизмат вазифаларидан тўла ёки қисман озод қилиш мумкин бўлади.

Табиийки, сизлар менинг тақлифини қабул қилсангиз, уни 1995 йилда бўладиган навбатдаги сайловдан бошлаш керак.

ҲАМҚОРЛИК САМАРАСИ

ҚОЗИР СЕРҚУЕШ жумҳуриятимизда бир неча маданият марказлари ва имкониятлари фаолият кўрсатмоқда. Корей ҳамкорлик Совет уюшмаси жамияти ҳам аниқ режалар асосида иш олиб бормоқда.

Бундай марказни тузиш тўғрисидаги йили тузилган эди. Пхеньянда бўлиб ўтган ёшлар ва талабаларнинг жаҳон фестивали тантаналарида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корей ёшлари ҳам қатнашган эди. Ушунда Совет уюшмасини тузиш тадбирлари кўрилди. Утган қисқа вақт ичида жамият йўли билан қатор «Братлик» режалар амалга оширилди. Корей Халқ Демократик Жумҳурияти билан мутахассис кадрлар айирбошлаш ҳам кўзга тутилди.

Ана шу келишувга биноан корейлик 50 нафар малакали шифокор жинди жумҳуриятимизга ишга тақлиф қилинди. Улар олиб бораётган муолажалар шарқ табиоботини ри-воқлантиришда муҳим омил бўлиб қизиб келмоқда.

Олий ўқув юртлири ўртасида болганлар алоқалар ҳам яхши натижалар бериши турган гап. Жумҳурият, Тошкент

машинасозлик илмгоҳи Пхеньянда доирлиқуни билан тузилган шартномага биноан студентлар айирбош қилиш йўлга қўйилди.

Айни бир вақтда корейс тилини эгаллаш малакесини ошириш учун ўқитувчи-педагоглар текширилди. Корей Халқ Демократик Жумҳуриятига юборилган бўлди. Улар бир ярим йилга мўлжалланган малака ошириш курсларида тақсил қўриладилар. Ўз иқтидорини тақомиллаштирган бу ўқитувчилар кейинчалик мактабларда ишни давом эттириладилар.

А. ВАЛИЕВ.

Мутасаддилар фикрича...

ОНЛАЛАР МИННАТДОР

Р. ВАСИНА,

Тошкент шаҳар Кенгаши ижро қўмитаси иқтисодий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

СССР Вазиirlар Кенгаши бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўп болали онла-ларни иқтисодий ҳимоя қилишнинг қўлимача чоралари тўғрисида қарор қабул қилган эди. Илгари амал қилиб келган бола тузилганда унинг нечачини фарзанд экинлигига қараб бир йўла тўланадиган нафақа ҳамда тўртинчи ва шундан кейинги болалар учун улар беш ёшга тўлгунча қадар кўп болали онлаларга ҳар ойда тўланадиган нафақа ўринга бола тузилганда энг кам иш ҳақига уч баровар миқдорда бир йўла нафақа беришни жорий этишга қарор қилинди.

Бунда онла аъзоларнинг ўртача даромади ҳисобга олинмади?

Бунда жами ўртача даромад онла ҳар бир аъзоларга энг кам иш ҳақининг икки баровар миқдоридан ошмасе, 1.5 ешдан 6 ёшгача бўлган болаларга ҳар бир бола учун кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорига ойна бир хил нафақа тўланади. Шунингдек, ёлғиз онлаларга ҳар бир бола 16 ёшга тўлгунча ҳар ойда тўланадиган давлат нафақасини қўлайтиришга, ажралишган аркаларга ва аёлларга, агарда улар мазкур ёшдаги болалар учун алимент олма-салар ёки ойна 20 сўм ва ундан кам олсалар, ота-оналар суд ажримини билан алимент тўлашдан беш тортганлиги учун ички ишлар идоралари томонидан қидриллаётган ба-логатта етмаган болаларга энг кам иш ҳақининг 50 фоиз-гача миқдорда қўлайтиришга қарор қилинди. Мазкур нафақалар шу йилнинг 1 декабридан бошлаб тўланади.

Бундан ташқари 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдоридан бир ярим йшар-гача фарзанди бўлган ва ҳеч қаерда ишламаётган оналар-га нафақа тўланади. Бу нафақа онанинг ишлаб турган ери-даги иқтисодий таъминот бўлиши томонидан ажратилади. Унинг эри ишлаётган бўлиши ва онанинг даромади неча сўмликдан қатъи назар барибир тўланади.

Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА САЙЛОВ УТҚАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Тошкент шаҳридаги 37-Қорақамиш сайлов округидан ўрни бўшаб қолган депутат ўринга Ўзбекистон ССЖ халқ депутати сайлашни 1990 йил 16 декабрга тайинлади.

МУАЛЛИМЛАРНИНГ КАТТА КЕНГАШИ

қарб ҳодимлари, жумҳурият марказий органлари, иқтисодий уюшмалари, бошқа ташкилот ва идораларнинг вақиллари қатнашганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг қотиби Ж. Х. Қандов Ўзбекистон ССЖ Президентини Н. А. Каримовнинг конференция делегатларига табриномасини ўқиб эшиттирди.

Сўнг Ингиллиш бошқарув Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев конференцияга келган табрик телеграммаларини ўқиб эшиттирди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазир К. Ю. Юсупов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясидаги 41-мактабнинг директори, КПСС XXVIII съезди делегати Н. А. Аҳмедова, Тош-



СУРАТДА: жумҳурият ўқитувчилари анжумани қатнашчиларидан бир гуруҳи. Р. АЛИЕВ сурати

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Кеча Ўзбекистон ССЖ Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида қишлоқ ҳўжалиги ва деҳқончилик саноат комплексини қайта ишлаш ҳодимлари кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон меъморлари беш меъморлар лойиҳаларининг биринчи миқтақа кўрик-танлови очилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Кеча Кремлда ССЖИ Олий Кенгашининг тўртинчи сессияси ўз ишнини давом эттирди. Палаталарнинг қўшма мажлисида мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги масала муҳокама этилди. ССЖИ Президенти М. С. Горбачев маърузаси тингланди.

Қозғоғистон ССЖ Олий Кенгаши ССЖИ Вазиirlар Кенгашининг халқ истеъмол буюмлари айрим турларининг шартнома ва чакана нархларига ўтиш тўғрисидаги қарорнинг жумҳурият ҳудудида амал қилишини тўхта-тиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кеча Архангельск виллоятининг Холмогорн ва Ломоносово қишлоқларида анъанавий ломоносовхонлик кун-лари бошланди.

ХОРИЖДА

Миср Президенти Хусейн Муборак АҚШ Президенти Ж. Бушга мурожаат қилиб Йорққа нисбатан кўриладиган ҳарбий ҳаракатларни яна уч ойга кечиктириб туришни илтимос қилди. Токи Садам Хусейн ўз қарашларини қайта қараб чиқиш учун яна бир бор имкониятга эга бўлсин.

Бундан буён Болгария Халқ Жумҳурияти Болгария Жумҳурияти деган ном билан аталади.

АҚШда кўп марта фойдаланиладиган «Атлантис» фаза кемаси учирилди.

Бугунги кун нафаси

Соф ҳаво—танза даво

КИШИ саломатлигини мустаҳкамлаш кўнгина муҳим омилларга боғлиқдир. Бунда тўғри овқatlanиш, очиқ ҳавода сайр қилиш, от элини жисмоний тарбиянинг комплекс машқларини бажариш кабилар алоҳида ўрин тутади.

Жумҳуриятимиз пойтахтида янгида очилган саломатлик мактаби ўқув машғулотларида юқорида тилга олинган соғломлаштириш воситаларига амал қилинмоқда. Шу сабабли бу табиий марказига шифокор-психотерапевт, шифокор-натуро-

ристик базасида ўтказилган машғулотлар жуда мароғли бўлди. Саломатлик учун жуда муҳим ҳисобланган машқ турларидан ҳам фойдаланилиб, соф ҳавода бадантарбия ўтказиш, от элида сайр қилиш каби чиниқиш усуллари қўлланилди. Тингловчилар тоғ ёнба-

рига қилган сайрлари чоғида шифобахш гиёҳлардан намуналар тўпладилар. Яшил табиобат учун ишлатиладиган бу кўкатлардан алоҳида коллекция тайёрланиб, саломатлик мактаби машғулотларида кўргазмали материал сифатида фойдаланилади.

А. АЛИЕВ.

— Гофиржон, ҳамма нарса тақчил бир пайта одамларни қулдириш ҳам қийин бўлса керак-а?
— Гапнингизга тушундим. Уйда гўшг йўқ бўлса, қулни кўнглига сиғадими, демоқчиёв-да! Ҳа, энди орамизда аjoyиб, кўнглихон одамлар бор. Улар ўз табиатлари билан бир жаҳон. Қизиқчи учун бундай пайларда оғир, албатта. Энг муҳаққаб дўлса, кўнгли ёзилиб, субордин чиқса бу қизиқчи учун катта бахт.
— Тарихдан билганимиз, кўп одамлар ўзинга тик қараб уни қулги билан енгандилар.
— Айниқса, арсоновий Насриддин Афанди... Алдар Кўса... Қулни хурсандчилик, кайфи чоғлик белгиси. Қулни кўнглини яйратади.

— Кошки эди, ҳамма сиз каби эътиқодли бўлса. Энг ачинарлиси шундаки, бўлар-бўлмас тақдирлар қўлини кетди. Овоzlари ўхшаша-ўхшамаса баъзи давраларда ижро этганиб ётибди...
— Фикрингизга юз фоиз қўнгли-ламан, мана бунинг натижасида ҳали айтганимиздек, «мазаҳ қилиш» деган маъно чиқиб қоляпти. Бу санъатини сўнгий бўғиш демандир.
— Муқаллидларнинг кўпчилиги асосан бир ёқлама — ёки драматик актёрларга, ёки қўнгличи санъаткорларга муқаллид қилишди. Сизда эса бу масъулият икки ҳисса.
— Йўге, ундан ҳам кўпроқ...
— И, ҳа, айтгандай сиз ҳали лирик, ҳажвий қўшиқлар айтаёсиз.

— Вилмадан, ўзи ёшлигимдан ҳар хил овозларни ўхшатишга ҳаракат қилардим. Мактабда ўқитувчиларнинг куча-қўйда қўнглиларнинг уйда дадамларнинг (хатти-ҳаракатлари билан) овозларини ўхшатардим.
— Илмоҳда ўқиниши тугатаётганимизда бизга давлат ймтиҳони комиссиясининг раиси этиб ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофоти совриндори Наби Раҳимовни тайинлашди. Наби ака бизларга диплом топираётди, ҳар биримизга алоҳида аjoyиб тилаклар билдирди. Мен шу тилакларни ҳозиргача сўзма-сўз «қўчириб» олганман. Ҳамза Умаровнинг бирор бир спектаклини ўтказмай кўрардим. У кишининг ҳам табар-

Оқшомхонлар учун учрашув

КУЛИНГ-У, КУЛДИРИНГ

Гофир Мирзабоев — қизиқчиларнинг кенжатоиларидан бири. Яқинда «Қизиқчи — 90» танловига қатнашиб, кўпларни доғда қолдирди. Ҳакамлар ҳайрати эса уни тўртинчи ўринга лозим топди. Биз ҳам муҳорририятга келаётган хат ва илтимосномеларни ҳисобга олиб, уни муштарийларга рўбарў қиялмиз.



Кили қулганда ишариб, чиройига чирой қўшилар экан.
— Нима учун айнан одамларни қулдиришни мақсад қилиб олдингиз?
— Юқорида бу саволга қисман жавоб бердим, майли яна тўлдирай. Доволар айтганку, бир қизиқча қулни ҳада этмоқ, бир бошом қандан аяхшироқ, деб. Шу боис бўлса керак, одамлар қулга ўзим ҳам уларга қўшилиб ич-ичимдан яйрайман.
— Тўғри, ириқчиб юракдан қулш ўнта тухумнинг қучини бераркан...
— Бўлмасам-чи, янги уйландиларнинг ҳадеб тухум елмасаркан, қулиб турганлари ҳам маъқул.
— Сизни тақдирчи сифатида кўпчилик яхши танийди. Лекин санъатда муқаллидчилик «хавфли одам» дейишадими...
— Рост, бу гапга жон бор. Лекин муқаллидчилик санъатнинг энг маънақатли турларидан биридир. Қолаверса, бошқа бир кишининг овозини ўхшатиш масъулиятини яхши тушунаси. Бунинг учун санъаткордан ички жуда катта куч талаб қилинади.
— Балкилар «мазаҳ қилишма овоз» санъатини «мазаҳ қилишма» деб тушунашади. Сиз бунга қандай қарайсиз?
— Менимча, бу нотўғри фикр. Маълум бир машҳур санъаткорнинг овозини ўхшатиш уни инкичибор, ҳақиқия яхши танишдир. Ҳеч кимга номат-лум санъаткорга ўхшатма қилинган-чи, сизга ким қулоқ солар экан! Мен асосан халқимизнинг энг таниқли, семимли санъаткорлар овозини муқаллид қиламан. Бу эса шу матиоюдаки, уларнинг санъатига бор ихлосим, эътиқодим азбаройи баландлигидандир.

а, бунинг устига бадний сўз устасини ҳам айтишга, бир қизиқча сўзча «юк» оғирлик қилмайдими?
— Оғирликка оғир-а, лекин имкони борича ҳар бир томошобин истагани бажо келтириш керак. Саҳнага мардлар чиқади. Ҳозирги замон томошобини эса жуда зийрак, ўта талабчан. Қайта қўриш даврида ҳажвий қўшиқларга талаб оиди кетди. Ҳажвий қўшиқ ижрочилари эса ўзингизга маълум, сановли. Авваллари асосан лирик қўшиқ айтардим. Бир кунги телевизиондаги ўртоқлардан бири ҳажвий шеър берди, қўшиқ қилиб айтиб қўришни маслаҳат бериб қолди. Қўшиқ «Мансабим» деб аталди. Мен бу қўшиқни «парда» орқасида туриб айтдим. Экранда эса Эркин Камоллов... Эртасига «Табассум» чилар шу қўшиқни ёзиб олиш истагани билдиришди. Ёзди. Кейин инкичисини, учинчисини...
— Забестон радиосига ишга ўтганимдан сўнг бир неча лирик ва ҳажвий шеърларга куй басталаб қўшиқлар яқиди эдим. «Совет туپурига», «Кўнгли рози», «Севгилик», «Семидинг», «Барчага тенг ёр, Ватан», «Рақосалар» каби лирик, «Дангаса», «Ташмачи», «Мансабим», «Ижара» каби ҳажвий қўшиқлар шулар жумласидандир.
— Халқимизнинг машҳур қулни даргааси Соиб Ҳўнаевнинг овозини қандай қилиб ўзлаштиргансиз?
— Тестлар буюк санъаткорлар — Развоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Абдурауф Волтаев, Соиб Ҳўнаев каби аjoyиб инсонлар билан ижод қилиш, уларнинг санъатидан сабоқ олиш бахтига мувовапп бўлганман. Халқимизнинг семимли «Томбола ошиғи» — Соиб аканинг овозларини саҳнанинг ўзига даёқ ўзлаштирганман.
— Бу сиздаги истезодим ёки...

рук овозларини «тириштириб» юрбман.
— Яна қилларнинг овозларини «ўғирлагансиз»?
— Эргаш Каримов, аскиячи Муҳиддин қизиқ Дарвешов, Тўлкин Тожиёв, Жўрабек Муродов, Камолддин Раҳимов, Ҳайрулла Луфтуллаев, Хожиақбар Ҳамидовларнинг овозларини «ўғирлаганман»...
— Сўнги савол. Бу бевосита муштарийларнинг илтимоси билан боғлиқ. Санъат оламига қандай кириб келгансиз? Ҳазиз ҳақиқияда ҳам...
— Асли Наманган вилоятининг Тўрақўрғон шаҳриданман. Ондамида 11 фарзанд бўлиб (ҳозир ҳаммамизнинг ўз оиламиз бор), ҳаммамиз санъатга қизиқардим. Ҳар биримиз бирор чолгу асосини чаламиз ёки қўшиқ айтмаиз. Лекин касимиз ҳар хил. Фақат мен ва икки синглим санъаткоримиз. Дадамиз дуторни яхши чертадилар. Ҳозир ёшлари 80 да. Айтишларича, бобомиз ҳам яхши ҳофиз эканлар. Онамиз эса доира чалиб, халқ қўшиқларини юракдан, дарди, таъсирчан оҳангда ҳиргойи қиладилар. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг таъсири ўтган. 1978 йили Тошкент театр ва расомчилик санъати институтини тамомлаб, Муқимий номи мусиқали театрга ишга келдим. Қатор спектаклларида, концертларида иштирок эдим. Ҳозир Забестон теледиосида солистаман. Мана шу...
— Гофиржон, халқни қулдиришдек, захматқаш ижодингизга нарвоз тилаймиз. Қулингиз, қулдириш...
— Суҳбатдош Тўхтамурод ТОШЕВ.

Wajba o'zbekiston

Шатранж оламида


НЬЮ-ЙОРКДАН «САДО ЧИҚМАДИ»

Бир ҳовлидан иккинчи ҳовлига кўнгли рақиқий кўчиб ўтишга нима етсин.
Баҳсинг Нью-Йоркдаги биринчи ярми нихоюсига етиш арасида томонлар ана шу илти билан доне сураётганлари муқарраллиги сезилди. Навбатдаги 10-учрашув олдиндан ҳисобда тенглик барқарор бўлсада, ҳарифларнинг жисмоний ва руҳий яхшидан қай даражада эканликлари фақат ўзларига аён эди. Бу партиядо қора доналарни сурган тож талабори аввал биринчи рус шахмат устаси А. Петров номин билан аталган, кейинчалик эса назарияда русча партиядо деб номланган дебютини қўлади. Бу дебют охириги марта уларнинг 1986-йилги баҳсидаги 6-партияда кузатишган эди. Авваллари русча партиядо фақат суёт ҳимоялашиш воситасида тенгликка эришиш имкони йетмади, холос, деган фикр ҳужм сурарди. Аммо шахмат оламининг фармонбардорлари Г. Каспаров билан А. Карпов талқинида унга жон бағишланди десак муболага бўлмас.

Оқларнинг 8-юришдан сўнг тахтада қўлдан бери маълум вазият юзага келди. Шу ерда Карпов қилган отируши мутахассисларни, жумладан, Каспаровни ҳам ҳайратга қолдирди. Маълум бўлишича, бу янгилик экан. Бундай янгиликни топишга ҳар қандай гроссмейстер ҳар қондир эмас. Оқлар озгина бўлсада афзалликка эришиш мақсадида 12-юриш олдиндан қандайдир ўйга толиб қоқди. Лекин бу юриш ҳам қораларни ортинча қучқилантарган олмади.

Кўп ўймай фаранлар алмашиб, тўда мунозабат юзата келган. 18-юришда Каспаровнинг таклифи билан битимга имзо чекилди. Буни асло гроссмейстерча, яъни курашсиз дуранлар сирасига қўшиб бўлмайди.
Навбатдаги 11-партияда қора доналарни сурган жаҳон чемпиони ушбу матчда 5-мартга эски ҳанд ҳимоясини қўлаганлиги матч матбуот марказига тўнланган энг сара гроссмейстерларини ҳам, театр залини тўлдириб ўтирган мухлисларини ҳам ҳайратга солар экан, уларнинг қўнглидан: «бу ерда бир гап бор», деган фикр ўтди. Каспаров 7-юришдаёқ марказдаги пешдаларни алмаштириб, руҳини марказий ярим очиқ линиялардан бирига қўйди, бу шу йўлда бўладиган мураккаб комбинациявий зарбаларнинг бошланғичи экан. Оқларнинг 13-юришдан кейин содир бўлган вазият кўп мартабала танқорланган, лекин уларнинг ҳеч қайси бирда Каспаров амалга оширган усул қўлдан берилган эди. Бу усул руҳини бир филга қурбон қилиб тактикавий чигалликлар бардо қилишни чўда тўтарди. Оқнинг айтиш керак, бу юришларни кўп ўйлаб ўтириб қилинганлиги Каспаров уни аввалдан пухта тахлиддан ўтказганлигига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Ҳар қалай, қанчалик тахлил қилган бўлмасин бундай моддий талафот қўришдан чўчимаслигининг ўзи боғи турган дадилликдир. Орандан 8 юриш ўтди ҳамки Каспаров берган қурбон эвазига ақалли бирон-бир моддий ютуқга эга бўлмади. Бироқ шу орада унинг

деярли барча сипоҳлари оқ шох қароргоҳи томон ўтишга улгурди. 22-юриш олдиндан вужудга келган хавф-хатарини тўла ҳисобга олган Карпов уни даф қилишнинг ягона чорасини топди. Шундан кейин ўз наватигада чекиниш яхши оқибатларга олиб келмаслигини тушуниган жаҳон чемпиони аввал бир филини, сўнгра инкичи руҳини ҳам қурбон қилди. Қизиқ, шу ҳолатда оқларнинг иккинчи руҳи ортинқ бўлсада, шохки кишти қойиндан қутула олмас эди. Бу аjoyиб олишув ҳам 24-юришда борганда дуранга имзо чекниш билан нихоюсига етди.
Баҳсинг биринчи ярми қандай тугагини Нью-Йоркда ўйналувчи 12-партия белгилаб берар ва бу жаҳон шахмат аҳлини, авваламбор эса унинг иштирокчиларини қизиқтирар ҳамда ташвишга соларди. Чөмпини ҳар галидек ўйини шохки олдиндан пешдан олга суриш билан бошлаган бўлса, талабгор бөшинчи марта испанча ўйни услубини таялади. Томонлар 12-юришдан олдинги партиядо Карповнинг навбатдаги от сакратини билан олдинги йўллардан бошқа ёққа бурилди. Бинобарин, жанг ўзинга хос шиддаткорона тус олди. Оқларнинг ўйин ўрталарида филу фаранни билан қилган беҳуда ҳаракатларидан ўринли фойдаланган Карпов вазиятнинг тенглаштириб олиш ва ҳатто кийел позицияни афзалликка эришиш йўлини топди. Аммо бу йўлни тоғуғича унинг ўйлаши учун ажратилган



вақт жуда титизлашиб қолди.
Оқларнинг 37. dс1—e1 юришидан сўнг қуйдаги вазият вужудга келди.

Мажмаон МУҲИДИНОВ, халқаро ҳақам.

Ибтидоий усул

ҚАДИМГИ Шарқ халқлари сувни юзориға чиқаришнинг ҳар хил ибтидоий усулларини ўйлаб топган. Улар ичида Миср шодуфи деб аталган мослама баландга сув чиқариб берадиган иншоотларнинг энг кўҳнасиدير. У қадимги Миср, Месопотамия ва Хиндистонда кенг тарқалган эди.
Шодуф дегани сув бўйига ўрнатилган оддий устунга қўндалаг болганган дастакдан иборат бўлиб, унинг уч томонига қовға (теридан ياسалган идиш) болганда, дастки томонга юк босадиган даражада оғир қилиб ишланган. Шодуф ёрдамида икки метр баландликка бир соатда тахминан 3400 литр сув чиқариладди. Сувни тез ва кўп чиқариш мақсадида шодуфлар бир неча босқичли қилиб ҳам ياسалган. Бундай шодуфлар Хиндистонда «денсил» деб аталган.
Замонлар ўтиши билан кишининг ақл-идроки баландга сув чиқаришнинг янги усулини ихтиро қилди. Миср ва Месопотамияда «соқия», Эрон ва Хиндистонда «чарх», Хоразмда «чигир» деб аталган дастлабки қурилмалар ана шу янги усул қалдирғочлари эди. Улар

Сўз тагида сўз бор

иш ҳайвонлари (туя, ҳўкиз, эшак ва бошқалар) кучи билан айлангирларди.
Бир томчиси... ошкор қилди
ҚУПЧИЛИККА маълумки, кейинги йилларда гербицид деб аталган кимёвий моддалар қўнлаб ишлаб чиқарилмоқда. Гербицид лотинча «герба» («ўт»), «цидо» («ўлдиролмаман») деган сўзлардан ياسалган бўлиб, «бөгана ўтин ўлдирувчи» деган маънони англатади.
Гербицидларнинг топилиш тарихи қизиқ. Америкадаги фермалардан бирида экинлар ривожини тезлатиш ёки қаламчаларнинг яхши илдиэ олишнинг таъминлаш мақсадида 2, 4-Д (дихлофеноксиакрикл кислота) номли модданинг 1000 метр сувга 1 грамм ҳисобидан тайёрланган эритмаси илгаридан қўнлаб келинади. 1944 йилда ана шу эритманинг бир томчиси тасодифан ёввойи ўт устига тушиб уни секин-аста қурсига бошлаган. Бу ҳолида 2, 4-Д моддасининг янги ҳолатини ўлдирувчи ҳам эканини ошкор қилган эди. Ана шундан кейин уни гербицид сифатида ишлашга бошлагандилар.
Саода* ОДИЛОВА тўнлаган.



Жумҳурият болалар бадний ижодиети марказидаги қулоқчилик тўғрисида Чўлпон Содиқов бошчилиқ қилган. Р. Альбеков сурати.



ЯНА ҲАЙВОТДАН ДУНЕСИ ҲАҚИДА
Сўт эмизувчи ҳайвонлардан ЭНГ каттаси океанларда яшовчи кўк кит ҳисобланади. Унинг оғирлиги 150 тонна, узунлиги 33 метрдир.
Сўт эмизувчи ҳайвонларнинг ЭНГ кичини эса дитти сичқондир. Унинг тана узунлиги 5 сантиметр атрофида бўлади.
Судралиб юрвчи, ўтхўр ҳайвонлардан ЭНГ каттаси диплодонд бўлиб, унинг узунлиги 33 метр, оғирлиги 90 тонна бўлган.
Жонзотлар орасида ЭНГ сўт ҳаракат қилувчи ҳайвон сўт эмизувчилар синфининг вакили — ялқовлардир.
Бизда тарқалган баликларнинг ЭНГ лаззатлиси зогара балик ҳисобланади.
Жумҳурият қудудида учрайдиган итсмоний ямритки ҳайвонлардан ЭНГ фойдалансиз бўри ҳисобланади. У табиятдаги касал номзодларни истезмон қилиб, атроф-муҳитни тозалаш туради.
Атрофимизда унчи юрган қушларнинг ЭНГ кичини коибриги ҳисобланади. Унинг оғирлиги 1,6 грамм бўлади.
Тайёрловчилар: биология фанлари номзодлари: Норқўзи ЭРҒАШЕВ, Тўра ХУДОЙБЕРДИЕВ, Элмурод ШЕРНАЗАРОВ.

«Илгари рўзномага ҳеч хат ёзган эмасман, лекин бўлиб ўтган бир ҳодиса мени сира тини қўймади. Бу хат сизларга етиб борадими, йўқми, рўзнома саҳифасида кўринадими, йўқми, билмайман. Лекин ба-рибир ёзишга аҳд қилдим.
Мен келин бўлиб тушган ҳо-нда жуда аяш, ўзига тўқ олма. Қўшқилиб бўлиб тушган эдик. Шунга ҳам 4 йил бўляпти.
Тўйимиздан кейин 7—8 ой ўтган, мен билан бирга тушган овсинимнинг 2 та тилла узуги йўқолиб қолди. Ҳамма ёки қараб чиқиди, барнибир топиладми. Кейинчалик билмас, узукларни катта овсинимнинг ҳали мактаб ёшига етмаган қизчаси олиб кетибди. Биз бунга шунчаки ўйинқароқлик билан қилган деб қарадик. Кўп ўймай қайқисинглимининг ҳам тилла занжир йўқолди, уни ҳам ўша қизча олиб кетган экан. Бу ҳодисалардан қизчага отаси бебабар. Қизин қизовига олиб сўраганимизда «Ҳаммазики оғим оғим ўргатдилар» деб айтди. Қўзим ёрм фарзандлик бўлганимда шу овсиним чў-вадан кўрдиғани икки қиз билан келди. Бу вақтда ўша қиз 2-синфда ўқирди. Улар кетган қарасам, тўрмуш ўртоғим олиб берган феруза кўзга зирақларини жойда йўқ. [Улар кетган вақтда қиз ўзини галати тўғ-галликни учун дарров зирақларини қараганим.] Қанча сур-иштирмайлик, зирақлар қай-тарилмади.

Кейинчалик қизнинг ўзидан секин сўрасам: «Оғим зирақларини сотиб юбордилар», деди...»
ХАТНИ ўқий туриб бир ма-қолини эсладим: «Кўш уясидо кўрганини қилади». Ҳа, қанча-роқ аччиқ бўлмасин, тан олиш даркор, бу каби ҳодисалар бўлиб туради. Угрилик бола-ликдан бошланса, эртага нима бўлади! Унда вожа етган ўс-мир ёки қизни бу йўлдан қай-тарувчи куч топиладими! Йўқ, унда қийин, жуда қийин бўлади. Кейин ўрганган қўнгли ўр-тадан қўймайдиган бўлиб қо-лади.
Расмий маълумотларга қара-ганда шу йилнинг тўққиз ойи ичида Тошкент шаҳри бўйича 4321 жиноят содир этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нис-батан анча кўп. Вожа етган нис-батан томонидан содир этил-ган оғир жиноятлар соани ўтган йили 411 тага бўлган бўлса, бу йил битта факт. Иттифоқ бўйи-ча шу йулгача икки ишлар ор-ганларда 40.128 нафар гнх-шудардан 36,5 фоиз (15 ми-нга-га яқини) вожа етмаганлар экан. Булар рўйхатга олинган-лар. Олинмаганлариники...
Энди ўз-ўзидан савол туғи-лади: нега шўларимиз жино-ятчи бўлиб қолмоқдалар! Ҳеч қайси ота-она фарзандини ёмон йўлга етакламас керак! Мактабда ҳам жиноят қилгин дейишмас, ахир! Шундай экан,

Бола бошидан
«ҲАММАСИНИ ОЙИМ ЎРГАТДИЛАР»
Бола беманилик келиб чиқади. Мана бу ҳол-чи: мактабда че-киш зарарли, деб панд-наси-хат қиладиган ўқитувчи танаф-фусда ўзи чекиб ўтира, қиз-лар ҳабели, табиий гўзалликин қадрловчи бўлишлари керак дейдиган ўқитувчининг ўзи юз-қузига ҳар хил бўёқлар суртиб, енгги йўқ калта кўйла-да мактабга киолса. Ҳўқичи унинг гапига нисосинми ёки амалиётимми? Балки биз ҳам

лаба берилган маълумотни оладилар.
Энг ачинарлиси, қайси клас-сик ёки ҳозирги давр ижод-кори ҳақида дурс ўтилса, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўша ижодкорнинг ижоди ёки мавзудаги бирор асари ҳақи-да гапириб билан кифояла-ниб қўйқолишади.
Биз зерикарили, ёш авлодди тарбиялашга охилик қилаёт-ган яна кўнгина дарсларини во

Душанба, 19

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Физика. Ички ағуа давгеллар...

13.00 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллигида...

21.00 «Ватан посбонлари». Ракета қўшинлари ва артиллерия кунга бағишланган кўрсатув...

дан...». Хужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 13.00 «Время». 13.40 «Унутилмас тароналар»...

9.35, 10.35 Адабиёт. 9-синф. А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси». 1-кўрсатув.

17.30 Мультфильмлар: «Вера ва Анфиса ҳақида», «Вера ва Анфиса мактабда дарсда»...

19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бу эртак ва афсоналар»...

Сешанба, 20

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Информатика ва ЭХМ. Бейсик тилининг асосий буйруқлари...

18.50 «Осийшталлик посбонлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Долзарб мавзу»...

23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Давр билан ҳамнафас»...

9.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 7-серия.

20.05 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 7-серия.

11.05 Француз тили. 2-йил шугулланётганлар учун. 11.35, 12.35 Жуурофия, 7-синф.

19.30 «Шамоллар эгаси». Мультфильм. 19.45 Стол тенниси. «Советская культура»...

Чоршанба, 21

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Басат — Терагза голиби»...

20.50 «Наволар оғушида». Гулнора Низомова, Эркин Рўзиматов. 21.30 Москва. «Время»...

22.50 «Менинг тақдирим». Телевизион бадий фильм, 2-серия (рус тилида).

7.00 «120 минут». 9.05 «Каштанка». Мультфильм. 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти»...

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. Укув программаси «Табият сирлари»...

13.05 «Синга трест». Уч серияли телевизион бадий фильм, 2-серия.

19.30 «Хўтик». Мультфильм. 19.40 «Едида ажиб ҳазалар»...

Пайшанба, 22

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Узбекистон халқлари тарихи. Узбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида...

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Узбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.

22.00 «Базмор». Савринисо Курбонова ва Сафрон Едгорова. 22.40 «Менинг тақдирим»...

12.50 Коллаж. 13.00 «Время». 13.40 Хоккей. ССЖИ чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига)...

20.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 9-серия.

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Тирки балик учун» Мурмасқандан кўрсатилади.

19.45 Коллаж. 19.50 Долларб интервью. 20.00 Ритмик гимнастика...

Жума, 23

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Раногулдошлар. 12.00 «Богча бизни қарши олади»...

19.50 «Наврўз-90». Урта Осий жумҳуриялари ва Қозоғистон театрларининг фестивали, 2-кўрсатув.

21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бех аз саннози олам дехон асти»...

17.15 Гнесинлар номли мусиқа билми юрти талабаларининг концерти.

21.30 «Время». 22.00 «Ер—она масканимиз». Фотоконкурс.

17.30 «Кичиктой малла». Мультфильм, 1-серия.

19.45 Коллаж. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин...

Шанба, 24

8.00 «Ассалому алайкум», Мусиқий кўрсатув. 9.00 «Ойла». 10.10 «Камолот сари»...

18.20 «Кувнок учрашувлар». Йўлдош Охунбоев номидаги жумҳурият Еш томошабинлар театри актёрлари билан учрашу.

10.35 «Менинг уйим — театрим». Фильм-концерт. 11.40 «Менга турмушга чикинг»...

7.00 «120 минут». 9.05 «Семини, шомшай тур!» Мультфильм, 1, 2, 3-сонлари.

15.25 «XX аср. Ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Рухоний бўлсанг ҳам яхши бадий»...

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.45 Рус тили. 9.15 «Лабини қимирлатмасдан гапир»...

20.30 «Мен севгини танадим». Хужжатли фильм. 20.00 «Хамдустли» видеоанали...

Якшанба, 25

8.00 «Хафтаном» (такрор). 9.00 «Даврага кел, дугонажон». 10.50 «Траванинг саргузаштлари»...

18.20 «Кувнок учрашувлар». Йўлдош Охунбоев номидаги жумҳурият Еш томошабинлар театри актёрлари билан учрашу.

17.15 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. «Шоирнинг тақдир».

8.30 Зарядка сафланинг! 8.45 Тевр шаҳрида бўлиб ўтган хаваскорлик академик хорлар I фестивали...

17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Она-земин ташвишда»...

17.30 «Корабайир изидан». Телевизион бадий фильм (Шимоллий Осетия телевидение студияси).

23.00 «Эйран усталари». М. Комаровская. «Девор ортида». Бадий фильм (Польша).

ТОШКЕНТ ОКНОНИ
Узбекистон Компартиясининг Меҳнат Қиял Байроқ ташкили...